

Муҳаммад ибн Фазл



09:00 / 23.08.2021 2556

Ҳофиз, илм талабида юрт кезган, фақиҳ Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий. Зухд ва одобга оид «Ал-Луълуийёт» («Маржонлар») китобининг муаллифи.

Довуд Зоҳирӣ, Абу Исо Термизӣ, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Айюб ибн Зурайс, Мутайян ва бошқа кўплардан ҳадис ривоят қилганлар.

Бу кишидан Абу Жаъфар Мустаффирийнинг шайхлари Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ҳадис ривоят қилганлар.

Мустаффирий «Тарихи Насаф» китобларида бу кишини зикр қилиб: «У кишининг асл исмлари – Муҳаммад ибн Фазл, лақаблари – Макхул. 308 йил сафар ойида вафот этганлар», – деганлар.

Шайх Абдуллоҳ Зарирнинг ҳузурларида Макҳул ибн Фазлга тегишли эски бир китобни кўрдим. У кишининг ажойиб шеърлари ҳам бор экан.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан